



Иқтисодий,
ижтимоий-сиёсий,
бадий-оммабоп газета

Asaka hayoti

Газета 1930 йил, 15 сентябрдан чиқа бошлаган.

2024 йил, 16 апрель. № 5 (7717).

ISSN 2110

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСИБ НИШОНЛАНДИ

Бугун кутлуғ байрам муносабати билан туманимиздаги кўплаб маданият ва санъат ходимлари «Янгисор» МФЙ да жойлашган «Шодиёна» саройига тўпландилар. Бугун нишонланаётган касб байрами билан санъат ва маданият ходимларини туман ҳокими Н.Мўминов ҳамда сектор раҳбарлари биргаликда табриклаб уларга эсдалик совғаларини топширди.



Тадбир мўъжаз дастурхон атрофидаги дилкаш суҳбатлар, шўх куй ва кўшиқлар, дилбар рақслар билан давом этиб иштирокчиларга хуш кайфият бағишлади.

Фурсатдан фойдаланиб туманимиз маданияти ва санъати ривожини йўлида беминнат хизмат қилаётган соҳа фидойиларини касб



байрамлари билан муборакбод этиб, уларга мустақкам соғлик ва ижодий парвозлар тилаб қоламиз.



НАМУНАЛИ ТОМОРҚАЧИ

О'zLiDeP вилоят Кенгаши раиси Хуршидахон Халилова бошчилигидаги ишчи гуруҳи Асака туманида бўлиб, Улуғбек маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият олиб бораётган тадбиркор Маҳмуджон Ёқубжонов хонадонида "Намунали томорқачи" мавзусида очиқ мулоқот ўтказди.

"2010 йилда атиги 2 та чоғроқ иссиқхона билан фаолиятимизни бошлаган эдик. Аввалига фарзандларимизни ёнимизга олдик. Фаолиятимизни кенгайтиргач, маҳалладаги ишсиз ёшларни, хотин-қизларни жалб қилдик. Ҳозир 8 та 5 сотихлик майдонда иссиқхона барпо этганмиз. Гул кўчатларини етиштиряпмиз", - дейди М.Ёқубжонов.



Ёшлар масаласи - давлат сиёсати

Асака тумани ҳокими Н.Мўминов бошчилигидаги секторлар ҳамда туман ДХХ бошлиғи раҳбарлари иштирокида Ёшлар ишлари агентлиги Асака тумани бўлими ҳамда 77 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ёшлар етакчиларининг биринчи чорак давомидаги фаолиятлари танқидий ва таҳлилий муҳокама йиғилиши ўтказилди.



Йиғилишда қайд этилган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда ёшлар билан ишлашда камчиликларга йўл кўйилганлиги тегишли маҳаллалар етакчиларига секторлар раҳбарлари томонидан кўрсатиб ўтилиб, уларни бартараф этиш юзаси-



дан чора-тадбирлар ва долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Фаолиятида самарали натижаларга эришган, ташкилотчилик ва етакчилик хислатларига эга бўлган бир қатор фаол ёшлар лидерлари қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Асака тумани ҳокимлиги
Матбуот хизмати.

СОҲИБКОРЛИК ВА МИРИШКОРЛИК НАТИЖАСИ



Асака туманида томорқа маданияти йилдан-йилга юксалиб, оилалар даромади ошмоқда.

Асака тумани ҳокими Н.Мўминов тумандаги маҳаллаларда, хонадонларда томорқадан унумли фойдаланиш ва деҳқончилик ишларининг бориши билан танишди.



Жумладан, туман ҳокими ва секторлар раҳбарлари ана шундай соҳибкорлик ва миришкорлик натижасида аҳолининг ўз-ўзини банд қилиши ҳамда кўшимча даромад манбаларига эга бўлиши каби афзалликларни барча маҳаллаларда оммалаштириш зарурати ҳақида масъулларга уқтириб ўтди.

✓ ПАРТИЯ ҲАЁТИДАН

Давра суҳбати



Ўзбекистон ХДП Асака туман кенгаши беруний МФЙ БПТ да “Ижтимоий ҳимоядан -ижтимоий фаоллик сари” лойиҳаси доирасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбатида “Аёллар дафтарида турадиган ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни бандлигини таъминлаш, касб -хунарга ўргатиш масалари буйича фикрлар ўрганилди. Хотин-қизлар билан бўлиб ўтган давра суҳбатида аёллар ўзларини қизиқтириган саволлари, ҳал этилмаётган муаммолари билан ўртоқлашдилар. Ушбу мфй 69 нафар “Аёллар дафтарида” турадиган аёллар бор, 2024 йил март ойида давомида 3 нафар аёлга 10 млн сўмдан субсидия маблағи берилди. Улардан: Хабибуллаева Анорхон чеварчилик Азизова Дилдорахон кандолатчилик ва Арифжоновна Машхураҳонга уй жойини таъмирлаш учун субсидиялар олдилар. Чевархона очиб 2 ўрин ва кўплаб шогиртлар чиқараётган Анорхонни чевархонаси билан танишдик.

Махбубахон ҚОДИРОВА,
ЎзХДП туман кенгаши бўлими бошлиғи

Бугун, 29 март куни Ўзбекистон ХДП Асака туман кенгаши Халқ депутатлари Асака туман Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи билан ҳамкорликда тумандаги 1-сон касб -хунарга мактабида “Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” даги Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳасининг муҳокамага бағишланган тарғибот тадбирини ташкил этдилар. Тадбирда Ўзбекистон ХДП Асака туман кенгаши раиси М.Дадажонов, туман кенгаши масъул ходимлари М.Алибекова ва Ш.Сидиковалар иштирок этдилар.

Тадбирда туман партия кенгаши раиси М.Дадажонов тадбир иштирокчиларига муҳокама этилаётган қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА ТАРҒИБОТ ТАДБИРИ

Шундан сўнг директорнинг ҳарбий масалалар бўйича ўринбосари Г. Назаров ешларни Қонун лойиҳасига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан таниш-



тирд.

Тадбирда сўз олган партия фахрийси, узоқ йиллар Ўзбекистон ХДП Асака шаҳар кенгаши раиси бўлиб ишлаган Зухраҳон Хошимжоновна Бозарбоева Президентимиз томонидан ешларга берилган эътибор ва яратилган шароит ва имкониятлар тўғрисида гапирди.

Ешлар ўзларини қизиқтирган саволларига атрофлича жавоблар олдилар.

М.АЛИБЕКОВА,
Ўзбекистон ХДП Асака туман кенгаши ташкилий ишлар бўйича бўлим бошлиғи.

Сафимиздаги ешлар



Бугун, 27 март куни Ўзбекистон ХДП Асака туман кенгаши Халқ депутатлари Асака туман Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи билан ҳамкорликда тумандаги 2-сон касб -хунарга мактабида “Сафимиздаги ешлар” лойиҳаси асосида тарғибот тадбирини ташкил этдилар. Тадбирда Ўзбекистон ХДП Асака туман кенгаши раиси М.Дадажонов, Халқ депутатлари Асака туман Кенгаши котибият мудири М.Саримсоков, туман кенгаши депутати С.Хайитов, туман кенгаши масъул ходимлари М.Алибекова ва Ш.Сидиковалар иштирок этдилар.

Тадбирда туман партия кенгаши раиси М.Дадажонов Президентимиз томонидан ешларга берилган эътибор ва яратилган шароит ва имкониятлар тўғрисида гапирди. Шу билан биргаликда Ўзбекистон ХДПнинг дастури ҳамда бу йилги утказиладиган сайловлар тўғрисида ҳам тушунчалар бериб ўтди.

Халқ депутатлари туман Кенгаши Котибият мудири М.Саримсоков 2024 йил “Ешлар ва бизнесни ривожлантириш йили” давлат дастурининг тумандаги ижроси тўғрисида маълумот берди.

Депутат С.Хайитов сайлов округида ешлар билан олиб бораётган фаолияти юзасидан ахборот берди.

Ешлар ўзларини қизиқтирган саволларига етарлича жавоблар олдилар.

Ш.СИДИКОВА,
Ўзбекистон ХДП Асака туман кенгаши ижрочи котиби.

Ердан оқилонга фойдаланиш давр талаби!

Маълумки, ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибини жорий этиш, ерга оид мулк ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер эгаларининг мулк ҳуқуқларини кафолатлаш, шунингдек, ернинг иқтисодий қийматини белгилаш орқали уни фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида эркин муомалага киритиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил

8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6243-сонли Фармони асосан 2021 йил 1 августдан бошлаб:

- ер участкалари хусусий секторга - мулк ва ижара ҳуқуқи асосида, давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига (кейинги ўринларда - давлат ташкилотлари) - доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилиши;

- мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ер ажратиш тартиби бекор қилиниб, бунда илгари ажратилган ер участкаларига бўлган бундай ҳуқуқлар уларнинг эгаларида амалдаги тартибда сақланиб қолиниши;

- ижарага олинган ер участкасида қонунчиликда белгиланган тартибда қурилган кўчмас мулк объектга мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ушбу объектга мулк ҳуқуқи билан биргаликда у жойлашган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ҳам янги мулкдорга ўтиши;

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар барча турдаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари иштирок эта оладиган, очик электрон танлов яқунларига кўра, фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилиши;

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиниши;

- давлат ташкилотларига ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қорақалпоғистон Республи-

каси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилиши;

- барча ҳолларда ер участкалари фақат бўш турган ва захирага олинган ерлардан ажратилиши, аниқ бир ҳужжат билан ёки бир вақтининг ўзида ер участкасини олиб қўйиш, захирага олиш, бошқа шахсга ажратиш ер бериш тартибини бузиш ҳисобланиши ва қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши;

- давлат-хусусий шериклик лойиҳалари ва ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда ер участкалари давлат ташкилотига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилиши, ушбу ерлар давлат-хусусий ёки ижтимоий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддатига хусусий шерик, нодавлат нотижорат ташкилоти ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ижарага берилиши мумкинлиги;

- кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси, агар кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулк-

дорларига бошқа ҳуқуқ билан тегишли бўлмаса, уларга умумий фойдаланиш учун қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Фармон билан, Ер тоифасидан қатъи назар барча турдаги ер участкалари ҳамда бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатларини аниқлаш, ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишига ва чегараларини ўзбошимчалик билан ўзгартиришга йўл қўймаслик чораларини кўриш, ердан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назорати Кадастр агентлиги томонидан амалга оширилиши; Ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва чора кўриш учун Кадастр агентлиги ходимлари масъул эканлиги;

Кадастр агентлиги органларига ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг

36-моддасига мувофиқ ушбу ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш, ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонида ноқонуний қурилган иморатларни бартараф этиш юзасидан тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.02.2022 йил кунги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадор-лигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-138-сонли қарори ижроси бўйича ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Мухтарам Президентимизнинг юқоридаги қарори билан Бош прокуратура ҳамда Ички ишлар вазирлиги таркибида “Ер ресурслари талон-торож қилинишига қарши курашиш бошқармалари”, шунингдек, вилоят прокуратураси ва вилоят ИИБда бўлимлари ташкил этилган бўлиб, мазкур органлар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Баҳромжон Жўраев,
Кадастр агентлиги
Асака туман бўлими
инспектори.

Аҳолини рўйхатга олишнинг даврий жиҳатлари

Мамлакатимизда аҳоли таркибининг ҳолати ва ривожланиш динамикаси ҳақида республикани ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ишончли ва холис ахборотни олиш бугунги куннинг энг муҳим долзарб масалалардан биридир. Аҳолини рўйхатга олиш 2023-йилда ўтказилиши керак эди, лекин объектив сабабларга кўра қолдирилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш ишларини амалга ошириш 2025-2026-йилларда ўтказилиши режалаштирилмоқда. Аҳолини рўйхатга олиш натижаларини тайёрлаш ва эълон қилиш ишларини амалга ошириш 2026-2027-йилларга мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга тайёргарлик кўриш ишларини қуйидаги йўналишларда тизимли равишда амалга ошириш:

- аҳолини рўйхатга олишни аҳолининг кенг оммасига тушунтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун видеоролик, баннер, флаер ва буклетлар тайёрлаш;

- 2021 йилда ўтказилган синов натижалари ва халқаро экспертларнинг тавсиялари асосида аҳолини рўйхатга олиш саволномалари шакллари такомиллаштириш;

- халқаро тажриба ва экспертларнинг тавсиялари асосида “Аҳолини рўйхатга олиш” ахборот тизимини такомиллаштириш;

- “СТАТА” амалий дастурий пакетни лицензиясини харид қилиш ва унда рўйхатга олиш натижаларининг чиқувчи жадваллари намуналарини шакллантириш;

- аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий режасини ишлаб чиқиш.

Шунингдек, Статистика агентлиги қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам рўйхат олиш ишларига тайёргарлик кўрмоқда. қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишни ташкил этишда қуйидаги чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган:

- * 2024-2025-йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни амалга оширишга доир услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- * 2024-2025-йилларда 2022 йилда ўтказилган синов натижалари асосида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш саволномалари шаклини такомиллаштириш;

- * 2024-2025-йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш;

- * 2025-2026-йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш;

- * 2027-2028-йилларда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга ошириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш.

Аҳолини рўйхатга олиш аҳоли сони, жинси ва ёш таркиби, яшаш шароити ва миграциясининг тўлиқ тасвирини шакллантиради. Бирлашган миллатлар ташкилоти аҳолини камида 10 йилда бир марта рўйхатга олишни тавсия қилади. Аҳолини рўйхатга олиш миллий сиёсатини ишлаб чиқиш ва режалаштириш, шунингдек, мамлакат ривожланишини кузатиш учун асосий ахборотларни тақдим этади.

Аҳолининг турар жой, уй-рўзғор буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, тиббий асбоб-ускуналари ва дори-дармонлар, ижтимоий хизматлар, иш ўринларига бўлган талаб учун муҳим аҳамиятга ахборотларни аҳоли тўғрисидаги ишончли маълумотлар асосидагина аниқлаш мумкин.

Аҳолини рўйхатга олиш ҳақиқатда яшаётган аҳоли тўғрисида нафақат бутун мамлакат бўйлаб, балки минтақалар кесимида ҳам маълумот беради. Аҳоли тўғрисидаги маълумотлар турли маъмурий манбаларда ва давлат идораларининг маълумотлар базаларида мавжуд, бироқ уларнинг барчасида ахборот тўлиқ эмас. Бу тўлиқ тасвирни шакллантириш имконини бермайди.

Мисол учун, фуқароларни расмийлаштириш ва миграция бўлимида фуқароларнинг рўйхатга олинган жойи тўғрисида маълумотлар бор, аслида эса бу одамлар бошқа манзилда, вилоятда ёки мамлакатда яшаши мумкин. Шунингдек, сайловчилар рўйхатларида ҳам аҳоли тўғрисида тўлиқ маълумотлар бўлмағлиги мумкин.

Аҳолини рўйхатга олиш макроиқтисодий кўрсаткичларни келгуси 10-20 йиллик даврга прогноз қилиш учун ҳам зарур. Статистик маълумотлар манзилли дастурларни ишлаб чиқиш, фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш, оила-ларга моддий қўмаклашишда муҳим аҳамиятга эга. Аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари давлат мактаблари, кутубхоналар, соғлиқни сақлаш марказлари, шунингдек. Энергия ресурслари ва сув таъминотига бўлган эҳтиёжни кўрсатиб беради. Аҳолини рўйхатга олиш натижалари ҳукумат томонидан маҳаллий ҳокимият органларига ажратилиши зарур бўлган маблағ миқдорини аниқлашга ёрдам беради.

Аҳолини рўйхатга олиш тадбиркорлик ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Аҳоли сони ва даромади, унинг турар-жойга бўлган эҳтиёжи тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган ҳолда, масалан, маиший техника ишлаб чиқарадиган корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмини прогноз қилишлари мумкин, уларни импорт қилувчи компаниялар эса харидларни режалаштиришлари ва зарарни минималлаштиришлари мумкин. Аҳолини рўйхатга олиш мамлакатлар учун энг йирик статистик тадбир ҳисобланади. Уни ўтказиш харажатлари статистика органларининг йиллик жорий бюджетларидан сезиларли даражада ошадди.

Демак, аҳолини рўйхатга олиш қанчалик орта сурилса, аҳоли тўғрисида илмий асосланган сиёсат ва инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш имконини берадиган муҳим маълумотларни олиш имкониятидан шунчалик узоқлашамиз.

ДЖУМАНИЯЗОВ Шавкат Рахимович, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика Агентлигининг “Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар” институти “Статистика” кафедрасининг катта ўқитувчиси.

ИЗБОСАРОВ Бобомурод Иброхимжон ўғли, Андижон вилояти Статистика бошқармаси рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш бўлими бош мутахассиси.

2025-2026-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ИШЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

Аҳолини рўйхатга олиш маълум бир санада Ўзбекистон аҳолисининг сони, ёши, жинси, диний ва этник таркиби, оилавий аҳоли, маълумот даражаси, уй-жой билан таъминланганлиги, иқтисодий фаоллиги, даромад олиш манбалари, ногиронлиги хусусида батафсил маълумот олишга ёрдам беради.

Шунингдек, рўйхатга олиш - аҳоли жон бошига макроиқтисодий кўрсаткичларнинг тақсимланишини ҳисоблашда ишлатилади, миграция ҳолатини, меҳнат ресурслари тақсимотини аниқ кўрсатиб беради.

Натижалар ҳудудларни ривожлантириш, аёллар ва болалар саломатлигини сақлаш бўйича ишларнинг манзилли амалга оширилиши учун ҳам ахборот манбаси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш 2025-2026 йилларга мўлжалланяпти. Бу ҳақда 2024 йил 4 март куни Президент томонидан имзо-

ланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-114-сонли қарори билан тасдиқланган расмий статистика соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш бўйича йўл харитасида Президент ҳузуридаги Статистика агентлигига 2025-2026-йилларда аҳолини рўйхатга олиш ишларини ташкил этиш вазифаси юклатилган.

Йўл харитасида 2024 йил давомида агентлик аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга тайёргарлик кўриш ишларини давом эттириши белгилаб берилди.

Жумладан:

- * аҳолини рўйхатга олишни аҳолининг кенг оммасига тушунтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун видеоролик, баннер, флаер ва буклетлар тайёрлаш;

- * 2021 йилда ўтказилган синов нати-

жалари ва халқаро экспертларнинг тавсиялари асосида аҳолини рўйхатга олиш саволномалари шакллари такомиллаштириш;

- * халқаро тажриба ва экспертлар тавсиялари асосида “Аҳолини рўйхатга олиш” ахборот тизимини такомиллаштириш;

- * “СТАТА” амалий дастурий пакетни лицензиясини харид қилиш ва унда рўйхатга олиш натижаларининг чиқувчи жадваллари намуналарини шакллантириш;

- * аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий режасини ишлаб чиқиш вазифаларини амалга ошириш белгиланган.

Аҳолини рўйхатга олиш эса 2025-2026-йилларда ўтказилиши, натижалар 2026-2027-йилларда тайёрланиши ва эълон қилиниши белгиланган.

Бўстон тумани бўлими бошлиғи: Б. СУЛТОНОВ.

◆ КИЧИК ҲАЁТИЙ ҲИКОЯЛАР

АВВАЛ ҲАЁТ...

Бир воқеага гувоҳ бўлиб қолдим...

Менга таниш оиладаги можаро муҳокамаси эди. Куёв ва келин томоннинг одамлари ўз фикрларини айтиб чарчашмади.

Нима бўлдию, ёши ўтиб қолган қайнона келиннинг уни тинмай айблаб жавраётган ёшгина холасига иддао билан деди:

-қизим, менинг ёшимга етганда билсан? Ҳали унга етасанми, йўқми, билмадим, лекин ёш нарса бунчалар бетгачо-пар бўлмагин...

Хола гапдан қолмади.

-Сенинг ёшинга етгандан етмаганим яхши!

қуда хола тўлиб турган эканми, қўлини дуога очди:

-Илоё, ёшимга етмагин!

Тўғри, унинг сўзларини ҳеч ким “омин” билан қўлламади. Аммо... Унинг илтижоси Аршга етиб борган чоғи, ўша ёш аёл кўп ўтмай, қазо қилди.

Фаришталар ҳар бир ниятни Аллоҳ ҳузурига етказди, яхши нарсаларни ўйла, дея катталаримиз бежиз айтмас экан!

Шундан сўнг мен ҳам ҳар бир сўзимни ўйлаб айтадиган бўлдим.

ОТА НАЗАРИДАН ҚОЛИШ ЁМОН!

Бозорда бир йигитни кўп учратаман. Арава етаклаб, харидорларнинг ҳожатини чиқариб, чойчақа топади. Уни учратганим ҳамон ўзимни кўрмаганга оламан. Негаки, яхши таниш-да!

Тўғри, меҳнатнинг, ҳалол пул топишнинг айби йўқ. Мени ажаблантиргани, у обрўли, шоир инсоннинг фарзанди, ўзи ҳам нозиктаъб ижодкор эди. Зур ҳикоялар ёзарди. Ижодий ташкилотларда туппа-тузук ишларди. Нега шу кўйга тушди, деб ўйларсиз?

Яқинда эшитиб қолдим: у отасининг назаридан қолган экан. Шунинг оқиба-тида оиласи билан ажрашиб кетибди. Ёлғиз яшаркан. Ҳар сафар уни кўрсам, бир оз ачиниш ила ўғринча назар ташлайман.

Аллоҳ шундай ҳолатдан ўзи асрасин барчани!

ҚҮЛИ ЧҲНТАҚДА ЭДИ...

Жалакудуклик тажрибали шифокор, узоқ йиллар туман, вилоят миқёсида бошлиқ бўлиб ишлаган Абдуваҳоб Исмоилов (Аллоҳ раҳматига олсин!) ажойиб инсон эди. Жуда маданиятли, ўз ходимларини эҳтиёт қиладиган раҳбар бўлган. қўл остидагиларга бақиргани ёки ортиқча тергагани биров эшитмаган. Танбеҳларни ҳам қоғозга ўраб, эгасига етказардики, бундан чиқадиган хулоса бир умр унутилмайдиган бўларди.

...Кунларнинг бирида Абдуваҳоб ака барча қўли тиббиёт муассасалари раҳбарларини тўплаб, йиғилиш қилди. Уч-тўртта раҳбарни турғазиб, дашномлар берди. Шу аснода бир бош врачнинг қўли шимининг чўнтағида экани ҳам эътиборидан четда қолмади.

Йиғилиш тугади. Ҳамма тарқала бошлаганда, уни ёнига чорлаб, бошқа ҳеч ким эшитмайдиган тарзда шивирлаб сўради.

-Ука, нега қўлинг шимининг чўнтағидан чиқмай қолди? Тинчликми?

-Кечирасиз... қўлим совқотиб кетувди. Шунга...

Абдуваҳоб ака кулиб юборди ва деди: -Э, бола, қўл совқотса, костюмнинг чўнтағига солмай, шимникига соладими? Ё, у ер иссиқроқ эканми?

Бош врач дувв қизарди ва кинояни тушуниб етгач, иккиси қаҳқаҳа отиб, микиб кулишди.

(Давоми 4-бетда).

«Тоза ҳаво» ойлиги: Ўзбекистонда транспорт воситалари экологик назоратдан ўтказилмоқда

Ўзбекистон Республикасининг "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни талабларини амалга ошириш мақсадида Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликларининг қўшма буйруғига асосан шу йил 10 апрелдан 10 майгача "Тоза ҳаво" ойлигининг биринчи босқич нозорат тадбирлари ўтказилмоқда. Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад ифлослантирувчи манбаалар устидан давлат нозоратини амалга ошириш, автотранспорт воситаларининг атроф табиий муҳитга ва аҳоли саломатлигига салбий таъсирини муҳофаза қилиш масалаларига кенг жамоатчилик диққатини жалб қилиш ҳамда фуқаролар ва корхоналарнинг табиатни муҳофаза қилиш қонунлари талабларига риоя қилишларини таъминлашдан иборат.

Бу борада атмосфера ҳавосини автомобиль воситаларидан чиқаётган зарарли моддалардан муҳофаза этиш олдимизда турган глобал муаммоларидан бири ҳисобланади. Зарарли моддаларни камайтириш учун турли технологик жараёнларни қўллаган ҳолда кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Чунки, ҳавога ажралиб чиқаётган азот оксидининг 30-60 фоизи, ис гази ва карбонат ангидриднинг 40-90 фоизи, кўрғошиннинг 35-95 фоизи, қаттиқ зарраларнинг 10 фоизи бевосита автотранспорт воситалари ҳиссасига тўғри келади. Шунинг учун автотранспорт воситалари двигателларининг созлигини таъминлаш орқали улардан чиқаётган ифлослантирувчи моддалар миқдорини камайтиришга эришишимиз керак.

Фароғатхон СУЛАЙМОНОВА,
Экология атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва
иқлим ўзгариши Асака тумани бўлими бош
мутахассиси.

Меросхўрлар диққатига!

Асака тумани Қашқар МФЙ Зиёлилар-1 кўчаси 83-йилда яшаб, 2013 йил 22-сентябрь куни вафот этган Байназарова Султонхоннинг, Асака тумани Кужган МФЙ Мўдай кўчаси 42-уйда яшаган 2023 йил 23 декабрь куни вафот этган марҳум Солиев Нодирбек Адхамжоновичнинг, Асака тумани Гумбаз МФЙ қоратепа кўчаси 83-уйда яшаб 1997 йил 12 ноябрь куни вафот этган марҳум Эгамбердиев Тоҳиржоннинг, Асака тумани Олақанот МФЙ Юксалиш кўчаси 111-уйда яшаб, 2006 йил 14 июнь куни вафот этган марҳум Артиқов Зайнобидинхожининг, Асака тумани қорақий МФЙ Қирмочи маҳалласи 19-уйда яшаб, 2019 йил 21 март куни вафот этган марҳум Қўзиев Махаммадҷон Мадаманиновичнинг, Асака тумани Кужган МФЙда яшаб, 2023 йил 12 март куни вафот этган марҳум Ходжиназаров Алимджоннинг, Асака тумани Кўркама МФЙ Дўнг қишлоқ маҳалласи 254-уйда яшаб, 2012 йил 31 май куни вафот этган марҳума Зокирова Тоҳижон Турсуновнанинг, мол-мулкига нисбатан мерос иши очилиши муносабати билан барча меросхўрларни Асака тумани Соҳилбўйи кўчаси 8-уйда жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Н.Хоналиевга мурожаат қилишлари сўралади.

Асака тумани А.Темур МФЙ Н.Кубро кўчаси 35-уй 31-хонадонда яшаб, 2021 йил 6 июль куни вафот этган марҳума Комилова Азизахон Сирожитдиновнанинг, Асака тумани Озод МФЙ Соибўйи кўчаси 65-уйда яшаб, 2021 йил 11 октябрь куни вафот этган марҳум Холиқов Нематилланинг Асака тумани Отиш МФЙ Ахтари қишлоғида яшаб, 2017 йил 27 июль куни вафот этган марҳум Таджибоев Аманжон Исроиловичнинг, мол-мулкига нисбатан мерос иши очилаётганлиги муносабати билан барча меросхўрларни Асака шаҳар Барака МФЙ Умид кўчасида жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус И.Исломов бошчилигидаги нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади.

Асака туманида яшаб, 2022 йил 21 июль куни вафот этган маарҳум Атахонов Юсупнинг, Асака туманида яшаб, Асака туманида яшаб, 2017 йил 4 январь куни вафот этган марҳум Хақимов Шавкатнинг, Асака туманида яшаб 2016 йил 13 сентябрь куни вафот этган марҳум қўлдашев Таджимаматнинг, Асака тумани Хумо кўчаси 40-уй 39-хонадонда яшаб, 2003 йил 10 январь куни вафот этган марҳум Даминов Расул Юсуповичнинг, Асака тумани Байнал Минал МФЙ Бибиҳоним кўчаси 63-уйла яшаб, 2006 йил 27 сентябрь куни вафот этган марҳум Ахунова Угулхоннинг, мол-мулкига нисбатан мерос иши очилиши муносабати билан барча меросхўрларни Асака тумани Ғ.Ёқубов кўчаси 8-уйда жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус С.Салоҳиддиновга мурожаат қилишлари сўралади.

(Давоми.
Бошланиши 3-бетда).

ЁШЛАР ТЎРДА ЎТИРСА...

Ёзувчи ва журналистлар бир жойга китоб тақдимотига бордик. Тадбир жуда чиройли ўтди. Меҳмонлар томонидан муаллиф ижоди тўғрисида илиқ фикрлар билдирилди. Сўнгра гурунг бир пиёла чой устида давом этди.

Кизиги, оқсоқол ижодкорлар зиёфат хонасига кириб келганларида, столнинг тўриси банд эди. қайсида нашрдан келган икки ёш йигит кўр тўкиб ўтирарди. Мезбон катталарни юқорига чорлаган бўлди. Аммо йигитлар ўрнидан туриш тугул, парво ҳам қилишмади. Ҳамма бир-бирига истеҳзоли қаради ва улардан қуйроқдан жой олди. Улар орасида йигитлардан бирининг устози ҳам бор эди.

Менга эриш туюлгани, ўша икки йигит ота-боболаридан ҳам ёши улуғ инсонлардан заррача хижолат бўлишмади. Ваҳоланки, ўзбекона ва исломий таомил бўйича бу жой уларники эди аслида!

Ўша кундан олган хулосам шу бўлдики, оқсоқоллар бор жойда ёшлар давра тўрига ярашмас эканлар...

БЕМИННАТ МУРУВВАТ

Устоз шоир Фарид Усмон билан суҳбатлашарканмиз, улуғларимиздан олим ва журналист Собиржон Шокаримовнинг ўзига қилган яхшилиги ҳақида гапириб берди:

-Москвага Адабиёт институтига ўқишга кетадиган бўлиб қолдим. Сафар арафасида мени "Коммунист" газетаси бош муҳаррири Собиржон Шокаримов йўқлаётганини айтишди. Тайинланган вақтга етиб бордим. Собиржон ака дарҳол қабул қилди.

-Москвага кетяпсиз экан?...
-Ҳа, шундай...

-Авалло, сафарингиз бехатар бўлсин, ука! Яхши ўқинг, бизга ўқимишли кадрлар керак...

-Раҳмат. Ҳаракат қиламан, - дея жавоб бердим.

-Сизга топшириқ бор, - деди у яна. - Ҳар ой 100 сатр шеър ёзиб юборасиз, хўпми? Биз уни чоп этиб, қалам ҳақини сизга жўнатиб турамыз. Ўшанда маблағдан қийналмайсиз...

...Мен у киши айтгандек, ҳар ой шеърим машқларимдан юбориб турдим. У газетادا пайдарапай босилар ва ой сайин почта орқали 40-50 сўмгача қалам ҳақи келарди. Бу, ўша пайт учун, мендек толиби илм учун катта пул эди.

-Собиржон ака шундай танти, саховатпеша ва дарёдил инсон бўлган, - деди сўзи охирида устоз. - У йўлини топиб, ёшларга шу каби беминнат мурувватларни тез-тез қилиб турарди. Аллоҳ раҳмат қилсин!...

...Фарид аканинг бу ҳикоясидан мижжаларим намланди. Ахир, раҳматли Собиржон Шокаримовнинг бу каби саховатларидан мен ҳам баҳраманд бўлган эдим-да!

ЭҲСОНГА АЙТАРСАН...

Яқинда синфдош дўстим қўн-

ғироқ қилиб, сўради:

-Ошна, аза тутяпсанми?

-Нега? Ким ўтди?

-Катта санъаткор Фалончи ўтиб қолдию... Шунга...

-Буни эшитиб, Аллоҳ раҳматига олсин, дея ҳақиқа дуо қилдим. Шу етади-да!

-Ахир, у катта санъаткор эдику... Ҳеч бўлмаса, уч кун...

-Нима бўпти? Кунда қанча одам ўлади! Ҳамма ўтганларга қайғуриб, аза тутиб ўтираверсам, ишни ким қилади? Ё, у менинг ота-онам ўтганда, аза тутганмиди?..

У индамади. Мен ҳам ўз навбатига унга савол бердим.

-Сен-чи, аза тутяпсанми?

-Ҳа.

-Унда уч кунлик азадан сўнг эҳсон қилсанг, чақирарсан мени ҳам...

Мана, орадан неча ойлар ўтди. Аммо дўстимдан хабар йўқ! Чамамда, унинг азаси тугамади, шекилли.

ҚАНАҚА ЧОЙ ИЧАСИЗ?

Маҳалламиздаги Маҳмуджон ҳожи ака ажабтовур ҳикояни айтиб берди:

-Етмишдан ўтган дўстларимдан бирининг аёли ўтиб қолди. Анча ойлardan сўнг фарзандлари билан бамаслаҳат уни уйлайдиган бўлди. Яхшики, "келин" ҳам топила қолди. Олтмишдан ўтган, ширин сўзли кампир экан. У билан ҳаммаёқни келишдик. Розилигини олдик.

-Фақат битта шартим бор, - деди бўлғуси келин. - Дўстингизни уйимга олиб келинг, бир пиёла чой қуйиб берай...

Рози бўламиз-да! Дўстим ҳам

зўрга турибди. Бордик. Дастурхон ёзилиб, анвойи ноз-неъматлар қўйилди.

-Кўк чой ичасизларми ё қора? Мен оғиз жуфтлаб улгурмай, "куёв бола" гап солди:

-Менга барибир, оқми, кўкми? Фарқига бормайман...

Чой келди. қанақалиги эсимдаям йўқ. Меҳмондорчиликдан сўнг дуо-фотиҳа қилинди. Кейин аста "келин"га сўз қотдим.

-Энди... қайси кун ва қачон олиб кетамиз сизни?

"Келин" ўйлиниб ҳам ўтирмай, деди:

-Мен дўстингизга турмушга чиқолмайман. Узр...

-Нега? Ахир...

-Ҳа, розилик берувдим. Аммо вазият ўзгариб қолди...

-Нима, қачон ўзгарди?

-Бугун, - деди у. - Сизлардан қанақа чой ичасизлар, деб сўрадим. Дўстингиз дарров "менга барибир", деди. Мен ҳатто ичадиган чойининг ҳам фарқига бормайдиган одам билан бирга яшолмайман. Инсоннинг, айниқса, эркак кишининг ўз таъби бўлиши керак...

Куёвжўра бўлиб керилиб бориб, шумшайиб ортимизга қайтдик. Кейин бир неча марта бориб ҳам уни унатолмадим. Биргина ўйламай айтилган сўз тугайли дўстим ўша аёлга уйланди. Ҳалигача бева юрибди.

ИНДАМАДИМ...

Кўчада бир четда чекиб турсам, сочлари, юзини қоплаб турган соқолига оқ тушган, ёши каттароқ кўринган одам ёнимга келиб, деди:

-Ука, чекманг. Бўлмаса, элликка ҳам кирмай ўлиб кетасиз!

Мен хўп, дея қўлимдаги сигаретани ахлат қутисига ташладим. Сўнгра сўрадим:

-Ака, нечиги киргансиз, агар сир бўлмаса? Кўпни кўрганга ўхшайсиз...

-Бу йил эллик бешга тўламан. Нимайди?

Мен индамадим.

Ахир, нима дей? Олтмишдан ўтиб, етмишга кетаётганим, соқол қўймаганим ёки ўзимга қараб юрганим учун ёш кўринаётганимни айттайми?

БИЛДИРУВЛАР

Асака тумани А.Темур МФЙ Иқбол кўчаси 10-уй 25-хонадоннинг Аманбоева Насибохон Собиржановнага тегишли уй плани, кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.**

Тумандаги М. К. STIL МЧЖ га тегишли думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамғаси ҳамда Низоми йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.**

Тумандаги "Тилло Абдурасул ҳосили" фермер хўжалигига тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.**

Asaka hayoti
МУАССИС:
Асака туман ҳокимлиги.

Муҳаррир
Раъно Атабоева.
Газета Андижон вилояти матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 11 февралда № 04-016 тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:
Асака шаҳри, Соҳил бўйи кўчаси, 6-уй, 32-хона.
Нашр кўрсаткичи: 64713. Офсет усулида босилган.
Ҳажми 1 босма табок. Қоғоз бичими А-3.
Баҳори келишилан нарҳда.
Телефон: 232-35-73.
E-mail Asaka_hayoti@www.uz.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.
Газета сифати учун босмаҳона жавоб беради.
Тижорат белгиси—(t)

Газета «Наманган Полиграф Пресс» МЧЖ компьютер марказида саҳифаланиб, чоп этилди.
Босмаҳона манзили:
Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй.
Навбатчи: Б.Назарова.

Буюртма № 61.
Тираж: 1000.

Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди: 17:00.

